

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI



ILMIY
AXBOROTNOMA

2022

- НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА
- SCIENTIFIC BULLETIN OF NAMANGAN STATE UNIVERSITY



ISSN:2181-0427

journal.namdu.uz





Bosh muharrir: Namangan davlat universiteti rektori S.T.Turg'unov

Mas'ul muharrir: Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor v.v.b D.B.Dexqonov

Mas'ul muharrir o'rinnbosari: O'quv ishlari bo'yicha prorektor D.S.Xolmatov

T A H R I R H A Y ' A T I

Fizika-matematika fanlari: akad. S.Zaynobiddinov, akad. A.A'zamov, f-m.f.d., prof. B.Samatov, f-m.f.d., dots. R.Xakimov, f-m.f.n., dots. B.Abdulazizov, f-m.f.n., dots. A.Xolboyev.

Kimyo fanlari: akad. A.To'rayev, akad. S.Nigmatov, k.f.d., prof. Sh.Abdullayev, k.f.d., prof. T.Azizov, k.f.n., dots. T.Sattorov, k.f.n., dots. A.Hurmamatov.

Biologiya fanlari: akad. K.Tojibayev, akad. R.Sobirov, b.f.d., dots. A.Batashov, b.f.d. N.Abdurahmonov, b.f.d., dots. F.Kushanov, b.f.d. A.Kuchboyev.

Texnika fanlari: t.f.d., prof. A.Umarov, t.f.d., prof. S.Yunusov.

Qishloq xo'jaligi fanlari: g.f.d., prof. B.Kamalov, q-x.f.n., dots. A.Qazaqov.

Tarix fanlari: akad. A.Asqarov, s.f.d., prof. T.Fayzullayev, tar.f.d, prof. A.Rasulov.

Iqtisodiyot fanlari: i.f.d., prof. N.Maxmudov, i.f.d., prof.O.Odilov.

Falsafa fanlari: f.f.d., prof. M.Ismoilov, f.f.n., Z.Isaqova, f.f.d., G.G'affarova, f.f.n. N.Zaynobiddinova, f.f.n., dots. T.Ismoilov, PhD. A.Abdullayev.

Filologiya fanlari: fil.f.d., prof. N.Uluqov, fil.f.d., prof. H.Usmanova, PhD. H.Solixo'jayeva, PhD. U.Qo'ziyev, PhD. H. Sarimsoqov, fil.f.d., N.Dosboyeva, fil.f.n., dots. S.Misirov.

Geografiya fanlari: g.f.d., dots. B.Kamalov, g.f.d., prof. A.Nigmatov.

Pedagogika fanlari: p.f.d., prof. U.Inoyatov, p.f.d., prof. B.Xodjayev, p.f.d., prof. O'.Asqarova, p.f.n., dots. M.Nishonov, p.f.n., dots. A.Sattarov, p.f.n.,dots. M.Asqarova, p.f.n., dots. Sh.Xo'jamberdiyeva, p.f.n., dots. S.Abdullayev.

Tibbiyat fanlari: b.f.d. G'.Abdullayev, tib.f.n., dots. S.Boltaboyev.

Psixologiya fanlari: p.f.d., prof Z.Nishanova, p.f.n., dots. M.Maxsudova.

Texnik muharrir: *N.Yusupov.*

Tahririyat manzili: Namangan shahri, Boburshox ko'chasi, 161-uy

Faks: (0369)227-07-61 **e-mail:** info@namdu.uz

Ushbu jurnal 2019 yildan boshlab O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosati qarori bilan fizika-matematika, kimyo, biologiya, falsafa, filologiya va pedagogika fanlari bo'yicha Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

"NamDU ilmiy axborotnomasi – Научный вестник НамГУ" jurnali O'zbekiston Matbuot va axborot agentligining 17.05.2016-yildagi 08-0075 raqamli guvohnomasi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi (AOKA) tomonidan 2020-yil 29-avgust kuni 1106-sonli guvohnomaga binoan chop etiladi. "NamDU Ilmiy Axborotnomasi" elektron nashr sifatida xalqaro standart turkum raqami (ISSN-2181-1458)ga ega NamDU Ilmiy-teknikaviy Kengashining 2022-yil 10-sentabrdagi kengaytirilgan 9-sonli yig'ilishida muhokama qilinib, ilmiy to'plam sifatida chop etishga ruxsat etilgan (Bayonnomma № 9). Maqlolarning ilmiy saviyasi va keltirilgan ma'lumotlar uchun mualliflar javobgar hisoblanadi.

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI 2022



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҒОЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Баҳодир Мирзаевич Қандов

Чирчиқ давлат педагогика университети доценти, фалсафа доктори(PhD)

E-mail: bahodirkandov@gmail.com; kandov1976@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиши масаласи моҳиятини ва ижтимоий-тарихий илдизлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, ҳалқаро ҳамжамият ҳаётининг турли жабҳаларида турли даражадаги шиддат билан ўзини намоён қилаётган глобаллашув жараёнининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамоилилари ва меъёрлари тизимига татьсири масалалари ҳам ўрганилган.

Калим сўзлар: инсон, ҳуқуқ, эркинлик, инсон ҳуқуқлари, миллӣ ҳуқуқ тизими, ҳалқаро ҳуқуқ, глобаллашув, ижтимоий тарих, инсон ҳуқуқлари тарихи, гоя, фикр эркинлиги, инсон ҳуқуқлари гояси.

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ О ПРАВАХ ЧЕЛОВЕКА

Кандов Баҳодир Мирзаевич

доцент Чирчикского государственного педагогического университета доктор философии (PhD)

Аннотация: В этой статье рассматриваются сущность и социальные корни прав и свобод человека в условиях глобализации. В исследовании также изучалось влияние процесса глобализации, который развивается на разных уровнях в различных аспектах жизни международного сообщества, на общепризнанные принципы и нормы международного права в области прав и свобод человека.

Ключевые слова: человек, право, свобода, права человека, национальная правовая система, международное право, глобализация, социальная история, история прав человека, идея, право на свободу мысли, идея прав человека.

FORMATION AND DEVELOPMENT OF IDEAS ABOUT HUMAN RIGHTS

Kandov Bakhodir Mirzaevich

Associate Professor, Chirchik State Pedagogical University,

Doctor of Philosophy (PhD)

Abstract: The article discusses the nature and social roots of human rights and freedoms in the context of globalization. The study also examined the impact of the globalization process, which develops at different levels in various aspects of the life of the international community, on generally accepted principles and norms of international law in the field of human rights and freedoms.

Key words: human, law, freedom, human rights, national legal system, international law, globalization, social history, history of human rights, idea, right to freedom of thought, the idea of human rights.

Кириш

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғояларнинг вужудга келиши ва инсон шахси қадрланишига доир тасаввурларнинг шаклланиши замонавий дунёning тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон ҳуқуқлари – инсон шахси ва турмушининг таркибий қисми. Дунё давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқларининг ҳозирги замон концепциясини, муаммонинг тарихи ва назарияси билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш, тадқиқотчилар олдида турган ниҳоятда долзарб вазифа ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларининг замонавий концепцияси цивилизация тарихининг ўтмиш тажрибаларига, биринчи ўринда, инсонларнинг ижтимоий ҳаётини ташкил этишининг ҳуқуқий шакллари соҳасига, улар фаолиятини тартибга солиш услубларига таянади. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғоя ва тамоилилар қадимдан шаклланиб келган. Шу боис, инсон ҳуқуқлари



концепциясининг шаклланиш жараёни жамиятнинг тараққиёт тарихи билан узвий боғлиқ ҳолда, узоқ тадрижий ривожланиш йўлини босиб ўтган жараён ҳисобланиб, инсониятнинг ривожланиш тарихи билан бевосита боғлиқ ва бугунги замонавий глобаллашув шароитида ҳам ривожланиб бормоқда. Унинг бошланиши, инсонларнинг атроф-муҳитдаги фаолиятини тартибга солиш заруриятини келтириб чиқарган бўлиб, мазкур жараён ижтимоий ҳаётнинг ибтидоий шаклларига бориб тақалади. Жамият тараққиётининг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари концепцияси ижтимоий-фалсафий қарашлар таъсири остида шаклланиб борди.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Инсон ҳуқуқлари – ижтимоий тарихий ходиса. Инсон ҳуқуқлари ғояси демократия тўғрисидаги таълимотлар хазинасини тўлдирган муҳим ижтимоий-фалсафий ва сиёсий-хуқуқий ходисадир. Инсоннинг табиий ҳуқуқлари ғояси қадимги юон мутафаккирлари Аристотель, Платон, Демокрит, Протагор, Антифонт, Ликофрон, Зенон, қадим Хитой донишманлари Мао-цзи, Конфуций ва бошқаларнинг асарларида учрайди. Инсоннинг табиий ҳуқуқлари ғояси уйғониш даври таниқли мутафаккирлар Г.Гроций, Ж.Локк, Б.Спиноза, Ш.Монтескье, Д.Дидро ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топди.

Ж.А. Керимов, С.А. Алексеев, В.С. Нерсесянц каби олимларнинг ҳуқуқ назариясига оид асарлари ҳуқуқ, жумладан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг умумий ҳуқуқий методологиясини ишлаб чиқишида ҳуқуқий назарий манба бўлиб хизмат қилади[1].

Шунингдек, ўзбекистонлик олимлар Ҳ.Рахмонқулов, Ҳ.Б.Бобоев, А.Х.Сайдов, У.Б.Тожиханов, З.Н.Исломов, Ҳ.Т.Одилқориев, Ш.З.Ўразаев, М.А.Ражабова, А.Турсунов, Э.Умарохунов, Б.И.Исмоилов, А.Қосимов, Г.Неклесса, А.Рахмонов ҳам Ўзбекистонда ҳуқуқ тизимида содир бўлаётган ўзгаришлар, ҳалқаро ҳуқуқнинг ижтимоий-миллий маконга имплементацияси, ҳалқаро шартномаларга амал қилишининг юридик механизmlарига оид муҳим муаммоларни тадқиқ қилганлар. Шу билан бирга уларда инсон ҳуқуқлари муаммолари ҳам ўрганилган. Бироқ улар ўз тадқиқотларида муаммонинг тарихий-ижтимоий хусусиятларидан эмас, балки миллий ҳуқуқий тизимнинг ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги нуқтаи назаридан келиб чиқадилар, шу боис улар ўз дикқатини муаммонинг юридик моҳиятини ўрганишга қаратадилар.

Натижалар

Инсон ҳуқуқлари – ўз тарихий тараққиёти йўлида бир қанча босқичларни босиб ўтган мураккаб ва серқирра ижтимоий ҳодисадир. Ҳар қандай давлатда, жамиятда инсон (фуқаро) ҳуқуқлари масаласи у ёки бу тарзда кўндаланг бўлиб туради. Шунга кўра инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таълимот тарихий тараққиётининг турли босқичларида турлича намоён бўлади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги ғояларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихини даврларга бўлиб ўрганиш бугунги инсон ҳуқуқлари концепциясини тўғри тушунишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги ғояларнинг ривожланишини ва умуман олганда, инсон ҳуқуқлари тарихини:

- қадимги дунёда инсон ҳуқуқлари ғоясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши;
- ўрта асрларда инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши;
- уйғониш даврида инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши;
- янги даврда инсон ҳуқуқлари ғояси ва инсон ҳуқуқларига оид норматив жараённинг ривожланиши[2, Б.21], деб шартли равишда даврлаштиришимиз, бугунги инсон ҳуқуқлари генезисини тўғри тушунишимизга ҳамда яхшироқ англашимизга ёрдам беради.

Инсон эркин туғилади, аммо унинг ушбу эрки табиатнинг эмас, балки инсоннинг эркка руҳий интилиши маҳсулидир. Ҳуқуқ ва ахлоқ масалалари Қадимги Шарқдаёқ кенг баҳс, мунозоралар ва идеологик тўқнашувлар манбаи бўлиб келади. Чунки Шарқ фалсафасида ҳуқуқ мудом ахлоқ, энг аввало масъулияти билан боғлаб талқин қилинган. Конфуцийлик, буддавийлик ва ислом динлари,

Шарқ ҳалқларининг тарихий-маданий, маънавий-ахлоқий қадриятлари сифатида, инсоннинг ҳуқуқларини, амалларини Осмон, Борлиқ, Оллоҳ олдидаги масъулият билан боғлайди. Уларга кўра мазкур трансценденциялар нафақат бутун борлиқни яратган ва бутун борлиқни тўла идрок этади, худди шунингдек, инсонни, унинг амалларини ушбу борлиқ, бутун манфаатларига йўналтиради ҳам. Агар инсон мазкур тартибни тан олмаса, унга қарши чиқиб, ўз манфаатларигагина эргашса, бутун билан шахс ўртасида зиддият келиб чиқади.

Конфуцийликни тадқиқ этган фалсафа фанлари доктори В.А. Алимасов ёзади: “Осмон билан Ер ўртасидаги алоқалар, подшоҳ (хукмдор) нинг “Осмон ўғли” сифатида Ерда “тўрт томон”ни идора этиши негизида илоҳий ва инсоний кучларнинг ўзаро муросада, камолотда яшашини таъминлаш мақсади ётади. Ушбу камолот “дао”, “ли” ва “олижаноб эр” орқали йўлга қўйилади”[3, Б.14]. Конфуций назарита кўра, ушбу тартибларнинг бузилиши катта кўнгилсизликларга олиб келади. “Агар, - дейди у, - жамиятда бошқариш, урф одатлар ва нарсалар тартиби ўрнатилимаса, ҳеч нарсага таяниб бўлмайди”. Бошқа бир жойда у дао ва ли тартибларининг ўрнатилишига “олижаноб эр”, яъни подшоҳ (хукмдор), юқори табақалар масъул эканини таъкидлайди. Агар тепадагилар жамиятни бошқаришда урф-одатлар ва нарсалар тартибига амал қиласалар халқ уларга хурматсизлик кўрсатишга журъат этмайди. Мабодо юқори табақа дао ва ли тартибларини севса, қўйи табақа шод бўлса, жамиятда осойишталик ва камолот қарор топади. Демак, дао ва ли тартибларига итоат этиш ва уларни ерда қарор топтириш орқали нафақат Осмон билан Ер ўртасида, худди шунингдек, жамиятда, кишилар ўртасида ҳам камолот, муроса ўрнатилади. Бу аслида Осмон-Ер ўртасида подшоҳ (хукмдор) – халқ (авом) поғоналарида камолот, муроса ўрнатиш демақдир”[4, Б.15]. Конфуций урф-одатларни, муросани, ахлоқий нормаларни устун қўяр экан, “Агар, - дейди у, - халқ қонунлар ёрдамида бошқарилса ва жазолар ёрдамида халқ ичида тартиб ўрнатилса, халқ улардан қочишга интилади ва ўз қиммишларидан хижолат чекмайди. Агар халқ эзгу амаллар ёрдамида бошқарилиб, хулқ-атвор ёрдамида тартиб ўрнатилса, халқ ўзининг қиммишларидан уялади ва тузалади”[4, Б.60]. Тўғри, донишманднинг қонунларга қарши чиқиши мавжуд патриархал муносабатларни сақлашга қаратилган эди, бироқ унинг моҳиятида қонунлар ахлоқийлашиб бориши, ахлоқни мустаҳкамлашга, ахлоқ орқали бутунни асрарига хизмат қилиши даркор деган ғоя ётади. Конфуций назарида масъуллик бу ахлоқий фазилатдир. Ҳар ким ўзининг мавқеи, ёши, тажрибасига мувофиқ бошқалар, жамият, давлат олдида масъулдир. Шунинг учун ҳам у “хукмдор хукмдор бўлсин, хизматкор хизматкор бўлсин, ота ота бўлсин, ўғил – ўғил”[4, Б.47] деб даъват этади.

Рус олими В. Соловьевнинг ёзишича, инсон ҳуқуқлари ҳайвонларнинг тўдасига итоат этиш инстинктига монанд аввал бошда “англанмаган-субъектив ҳуқуқий нормалар”, кейин эса уруғ, қабиланинг одатий ҳуқуқлари тарзида ижтимоий-тарихий жараёнлар таъсирида пайдо бўлган. Бу жараёнлар ҳайвоний тўда инстинктидан “шахсларнинг эркин иттифоқи, бирлиги томон бориши эди”[5, Б.7-8]. Шунинг учун, деб кўрсатади В.Соловьев, инсон ҳуқуқлари икки негиздан – биринчиси, ҳар қандай ҳуқуқ ҳалқнинг - бутуннинг руҳидан, борлиқнинг моҳиятидан, иккинчиси, суверен шахсларнинг маълум бир ижтимоий мақсадларга этиш учун ўзаро тузган шартномаларидан ўсиб чиқади[5, Б.14]. Ҳар икки ҳолда ҳам умумнинг, бутуннинг манфаатлари устун туради, уларни асрараш мақсади қўйилади. Бу мақсадга этиш учун ҳуқуқ ахлоқка, ҳеч бўлмаганда “минимал эзгуликка хизмат қилиши ёки зўравонликнинг кескин қўринишларига йўл қўймаслиги даркор”[6, Б.65]. Ҳуқуқ мажбуrlай туриб инсонийликни, ахлоқийликни қарор топтиришга, инсонда яратиш, ижод қилиш ва олижаноб қадриятларни қарор топтиришга мойилликни ошириши зарур. Ҳуқуқ инсонпарварликка асосланган муносабатларни,adolatparvar ва ҳуқуқпарвар жамиятни қарор топтириш воситасидир.

“Аҳолининг қатламлари турли табақаларга бўлинган ўрта асрлар даврларда инсон ҳуқуқи айrim табақаларнинг имтиёзи ҳисобланиб, ҳуқуқий тенглик муайян табақага мансублик билангина белгиланаарди. Шу билан бирга инсон ҳуқуқларининг табақавий чекланганлиги шахс даҳлсизлиги ҳуқуқи илк бора ифодаланган инглизларнинг 1215 йил қабул қилган “Эркинликларнинг улуғ буюк

Хартияси” аҳамиятини асло пасайтирмайди. “Ҳеч бир эркин инсон ҳибс қилинмайди, қамоққа маҳкум этилмайди ёхуд мол-мулки тортиб олинмайди, бирор-бир восита билан ночор аҳволга солинмайди. Фақат қонуний ҳукм ва давлат қонуни бўйичагина чоралар кўрилади”, деб эълон қилувчи 39-модда мазкур ҳужжат шуҳратини таъминлаган эди”[7, Б.154-155].

Муҳокама

Инсон ҳуқуқларини гуманистик нуқтаи назардан чуқур талқин этиш немис файласуфи Иммануэл Кантга (1724-1804) тегишили. Унинг қуйидаги фикрлари диққатта сазовор: «Агар инсонга фойдали фан мавжуд бўлса, унда бу мен ўргатаётган, яъни – дунёда инсонга муносиб ўринни эгаллашни ўргатадиган фандир, - ва ундан инсон бўлиш учун ўзини қандай тутиши кераклигини ўрганиш мумкин»[8, Б.206].

Инсон озодлиги ва ҳуқуқлари мавзусини фалсафий асослашга муҳим ҳисса қўшган мутафаккирлардан яна бири Вилгельм Георг Гегельдир (1770-1813). Унинг фикрича инсон озодлиги – узоқ давом этган руҳий фаолият унинг Шарқдан Ғарбга ҳаракатланишидан иборат бўлиб, табиий иродани тартибга солади ҳамда уни чинакам эркинлик даражасига кўтаради. Ҳар бир шахс ўз эркинлигини хусусий мулк ҳуқуқи орқали амалга оширади. Гегель инсонларнинг расмий, ҳуқуқий тенглигини асослайди: “инсонлар эркин шахс сифатида, хусусий мулкка бўлган бир хил ҳуқуқлари туфайли тенгдирлар. Бироқ, бу эгалик қилинадиган хусусий мулкнинг ҳажмига боғлиқ эмас”[9].

Инсон ҳуқуқлари ҳаётнинг турли жабҳаларига оид бўлгани сабабли уларни шахсий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқларга бўлиш расм бўлиб қолган. Бироқ уларнинг шаклланиш ва мустаҳкамланиш муддатларига қараб, инсон ҳуқуқлари босқичлари (авлоди) ҳақида ҳам гапириш жоиз бўлиб қолди. Юқорида таъкидлаганимиздек, инсон ҳуқуқлари шаклланишининг ҳар бир босқичида бу борадаги муайян ғоянинг ижтимоий онга сингиши, барқарорлашиши ва сўнгра «моддийлашуви» амалга ошади. Шу сабабли, инсон ҳуқуқларининг мустаҳкамланиши босқичларига тўхталиб ўтсак.

Инсон ҳуқуқларининг **биринчи босқичида** буржуа инқилоби жараёнида ифода этилган анъанавий либерал қадриятлар қарор топди. Улар ўша давр давлатлари конституцияси ва қонунчилигида мустаҳкамланди. Бу ерда гап фикрлаш эркинлити ҳуқуқи, виждан ва дин эркинлиги, қонун олдида фуқароларнинг тенглиги, яшаш ҳуқуқи, ҳокимият тазиётидан холи бўлиш ҳуқуқи ва бошқалар ҳақида кетмоқда. Булар «негатив» эркинликлар деб изоҳланарди ва давлатни фуқароларнинг шахсий ҳаётига қонунсиз аралашувидан тайинлашини назарда тутар эди. Бу ҳуқуқларга риоя этилиши фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишига шарт-шароит яратади.

Инсон ҳуқуқларининг **иккинчи босқичи** халқларнинг ўз иқтисодий турмуш даражасини ва маданий мавқенини қўтириш учун кураши жараёнида шаклланди (давлат томонидан ўрнатиладиган ҳуқуқлар). Уларни амалга ошириш учун давлатнинг ташкилотчилик, режалаштириш ва бошқа фаолиятлари талаб этиларди. Бу ўзгаришлардан кутилган мақсад бойлар ва камбағаллар ўртасидаги қарама-қаршиликни юмшатишдан иборат эди. Масалан, 1919 йилги Веймар Конституцияси ўз меҳнати билан яшаш учун маблағ топиш, қариганда, соғлиги ёмонлашганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи ва бошқаларни мустаҳкамлади. Айни вақтда, инсон ҳуқуқлари ҳозирги замон концепциясининг мазмунан теранлашишига олиб келди.

Табиийки, биринчи босқичга оид инсон ҳуқуқлари иккинчи босқичдаги инсон ҳуқуқлари мундарижасидан ўз табиатига кўра жиддий фарқ қиласди. Асосий фарқ давлатнинг бу ҳуқуқларга нисбатан муносабатидир.

Бу даврдаги инсон ҳуқуқларининг руҳи қуйидаги сатрларда ўзига хос маҳорат билан ифодаланган: «Тарихан қарор топган ижтимоий маданият ўз ҳаётийлигини йўқотмаслиги учун, турғунилиқда қотиб қолмаслиги учун цивилизация ўз мазмунига инсонни эъзозловчи ҳамда муҳофазаловчи ҳуқуқни ҳам қамраб олиши лозим»[10, Б.76].



Инсон ҳуқуқларининг учинчи босқичи XX асрнинг иккинчи ярми, яъни иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврга тўғри келади. Бу ҳуқуқларният аксарият мазмунидаги индивидуалликдан жамоатчиликка силжиши кузатилади. Бу – жамоанинг, уюшманинг ҳуқуқлари мажмуудан иборатdir. Агар дастлабки даврда виждан эркинлиги алоҳида инсоннинг шахсий (индивидуал) ҳуқуқи деб баҳоланганд бўлса, энди у тобора инсонлар жамоасининг ҳуқуқи сифатида эътироф этилмоқда, қолаверса ҳозирги замон Конституциясининг деярли барчасида партиялар ва бошқа ижтимоий бирлашмаларга, айниқса касаба ташкилотларига уюшиш ҳуқуқи мустаҳкамланган[11, Б.51-52].

Бир қатор олимлар учинчи авлод ҳуқуқларини «бирдамлик ҳуқуқлари» деб ҳам атайдилар. Булар тинчликка бўлган ҳуқуқ, ривожланишга, тоза экологик атроф муҳитта бўлган ҳуқуқ, ахборот ва коммуникациядан фойдаланиш ҳуқуқи ва ҳакозолар. Улар кўпчиликнинг, турұхнинг, жамоанинг манфаатлари умумийлиги асосида шаклланади. Бироқ, «жамоавий ҳуқуқлар» инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан баҳоланади. Башарти, «жамоавий ҳуқуқлар» алоҳида инсоннинг ҳуқуқига зид бўлса, улар ғайриинсонпарвар ҳисобланади. Ушбу хусусияти билан ҳам, биринчи ва иккинчи авлод ҳуқуқларидан фарқ қиласи. Олдинги авлод ҳуқуқлари эса, ҳар бир инсонга тааллуқли бўлган ҳуқуқлар эди. Бу авлод ҳуқуқлари асосан Иккинчи жаҳон урушининг тугаси ва БМТнинг ташкил топиши билан бошланган. Умумий эътироф этилган қоидага кўра бу ҳуқуқлар: тинчликка бўлган ҳуқуқ, бехавотир табиий атроф-муҳитта бўлган ҳуқуқ, инсониятнинг иқтисодий ва маданий меросидан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқалар. Учинчи авлод ҳуқуқлари, авваламбор, ҳалқаро ҳужжатларда акс эттирилиши билан ҳам кўпроқ таъминлаб берилади.

Инсоният учинчи минг йиллик бошларида инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ўз тасаввурларини янги қадриятлар билан бойитиб бормоқда. Илмий адабиётларда таъкидланишича, бундай фундаментал ғоя ва принциплар инсон ҳуқуқларини тушиниш ва амалга ошириш соҳасида намоён бўлмоқда. Ушбу қадриятлардан энг асосийси – бу инсон ҳуқуқларининг шундай ижтимоий мақомики, бунда алоҳида, мустақил шахс ҳуқуқлари муайян ҳудудда олий суверен бўлган давлат билан бир даражада эмас, балки унга нисбатан ҳам устуворликка эга бўлади.

Дарҳақиқат, бугунги замонавий глобаллапув шароитида янги хавфларнинг пайдо бўлиши билан бир вақтда, инсон ҳуқуқларининг янги “тўртинчи авлодлари” ҳам шаклланмоқдаки, улар янги ҳуқуқларнинг вужудга келишига ва мавжуд ҳуқуқлар турининг ўзгаришига ҳамда уларга риоя этилиши билан боғлиқ назорат механизмларининг такомиллаштирилишига олиб келади. Бугунги кунда кўп тадқиқотчилар, тўртинчи авлод ҳуқуқлари учинчи минг йиллиқда шаклланади, дейишмоқда. Бу, биринчи навбатда, янги ахборот технологиялари билан, қолаверса, тиббиёт, биология, генетика ва қишлоқ ҳўжалигидаги кашфиётлар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлардир.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари ғояси ўзининг узоқ тарихий илдизларига эга бўлиб, уни бугунги замонавий глобаллапув шароитида ўрганиш муҳим аҳмиятга эга. Қадимги дунёда инсон ҳуқуқларига оид ғоялар ва тушунчалар шаклана борган ва у буюк мутафаккирлар томонидан илгари сурилган бўлса-да, аммо бу ғоя ва тушунчалар ўша даврдаги турмуш тарзи, атрофдаги мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган ва улар ўша даврда асосан ғоялигича қолиб кетган. Аммо уларнинг ғоялари ўрта асрларда ва кейинчалик ҳам инсон ҳуқуқларига оид илгор ғоялар, қарашлар, ҳуқуқнй асосларнинг яратилиши ва уларнинг бугунги кунга келиб қарор топиши ва амалий татбиқ этилиши учун ўзига хос тамал тоши сифатида хизмат қилди. Чунки инсоният тарихини инсон ҳуқуқларини таъминлашта қаратилган тарих деб таърифласа бўлади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мураккаб ҳамда серқирра бўлиб, унга иқтисодий, ижтимоий, маънавий омилларнинг таъсир этишини инобатта олган ҳолда ижтимоий-фалсафий ёндошиш талаб этилади. Бу ўта муҳим ва доимо долзарблиқ касб этиб турувчи масаладир.



Адабиётлар:

1. Қандов Б.М. Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа доктори (PhD)... дис. автореф. – Т., 2020. – Б. 60.
2. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари буйича халкаро ҳуқук. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б.21.
3. Алимасов В. Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқук институти, 2006. – 14 б.
4. История китайской философии. – Москва: Прогресс, 1989. – С.60.
5. Соловьев В. Право и нравственность. – Москва: ACT, 2001. – С. 7-8.
6. Kandov B.M. Ikramov R.A. (2021). The Role of Education and Upbringing in the Formation of a Harmonious Personality in the Process of Globalization /Journal of Ethics and Diversity in International Communication. – pp. 33-37.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 154-155.
8. Кант И. Сочинение. Т. 2. – Москва: Мысль, 1956. – С.206.
9. Гегель. Философия права. – Москва: Мысль, 1990. – С.67-99.
10. Коркунов Н.Г. Социальная значение права. – М.: СП б., 1892. – С.76.
11. Имре Сабо. Идеологическая борьба и права человека. – Москва: Юридическая литература, 1981. – С. 51-52.

**ЁШЛАРДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТИНИ
ШАКЛАНТИРИШНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ**

СамГУ тадқиқотчиси
Мажидов ЭлёрОлимович

Аннотация: Мақолада ёшларда коррупцияга қарши маънавий иммунитетини шакллантиришининг ғоявий асослари таҳлил этилиб, уни ривожлантиришининг ўзига хос хусусиятлари буйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Ключевые слова: коррупция, ёшлар, демография, инсон, адолат, қадр, тараққиёт.

**ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ДУХОВНОГО ИММУНИТЕТА
ПРОТИВ КОРРУПЦИИ У МОЛОДЕЖИ**

научный сотрудник СамГУ
Маджидов Эльёр Олимович

Аннотация: В статье анализируются мировоззренческие основы формирования морального иммунитета против коррупции у молодежи, делаются выводы и предложения об особенностях его развития.

Ключевые слова: коррупция, молодежь, демография, человек, справедливость, ценность, развитие.

**THE IDEOLOGICAL BASIS OF FORMING SPIRITUAL IMMUNITY AGAINST
CORRUPTION IN YOUTH**

Researcher of SamSU
Majidov Elyor Olimovich

Abstract: The article analyzes the ideological foundations of the formation of moral immunity against corruption in young people, and makes conclusions and suggestions on the specific features of its development.



25	Internetning yoshlar ma'naviyatiga ta'siri Nomozov X Sh	164
26	Экологик қадриятларни шакллантириш ва ривожлантиришда таълим-тарбия ролини ошириш усуллари Саодатов А.А.....	169
27	Бердақнинг ижодий фаолиятида ифодаланган одобилик туйғуларининг жамиятдаги аҳлоқий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришдаги роли Яхшиликов Ж.Я, Ерназарова С.К.....	173
28	Инсон ҳуқуқлари түғрисидаги ғояларнинг шаклланиши ва ривожланиши Қандов Б.М.....	179
29	Ёшларда коррупцияга қарши маънавий иммунитетини шакллантиришнинг ғоявий асослари Мажидов Э.О.....	184
30	<i>Yuksak huquqiy madaniyat - mamlakatimiz rivojlanishining muhim omili</i> Хо'jaxonov I.A.....	187
31	Ўсмирлар маънавий-эстетик дунёқарашини ривожлантириш – артпедагогик жараён сифатида Рамазонова М.Ғ	191
32	Замонавий медиамарказларнинг умуминсоний ва миллий хусусиятлари Арзиев Р.А.....	196
33	Глобал ўзгаришлар даврида, миллий ғоя ва инновацион технологияларининг муҳим жиҳатлари Ташметов Т.Х.....	200
34	Миллатлараро мuloқот маданиятининг ижтимоий тотувликни таъминлашдаги аҳамияти Чориев Ж.Ғ.....	206
35	Ҳаёт давомида таълим олиш тамоили инсон билиш имкониятларини кенгайтирувчи омил сифатида Абдуллаева Х.Р.....	210
36	Ёшлар экологик маданиятини ривожлантиришнинг аҳлоқий жиҳатлари Орипов Ф.Й.....	215
37	Ипак йўлинни тадқиқ этишда хорижий илмий марказларнинг асосий йўналишлари Нодир Кузиев.....	219